

ISSN: 2181-9416



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ  
БИБЛИОТЕКА  
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416  
Doi Journal 10.26739/2181-9416

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

2 СОН, 1 ЖИЛД

## ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 2, ВЫПУСК 1

## LAWYER HERALD

VOLUME 2, ISSUE 1



TOSHKENT-2022

Мундарижа

КОНСТИТУЦИЈАВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.  
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

- 1. БАҲРОНОВ Шерзод Холмуродович**  
НОРМА ИЖОДҚОРЛИГИДА ЭКОЛОГИК ТАЛАБЛАР ҲИСОБГА ОЛИНИШНИ  
ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИ ..... 8
- 2. НЕМАТОВ Жўрабек Нематиллоевич**  
ЎЗБЕКИСТОНДА ҲИМОЯ ОРДЕРИНИНГ МАЪМУРИЙ АКТ МИСОЛИДАГИ  
МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ ..... 16
- 3. РАБИЕВ Шерзод Миржалилович, АЗИЗОВ Бунёд Мавлонович**  
МАЪМУРИЙ МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА “МАЪМУРИЙ  
КЎМАКЛАШ”НИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ ..... 22

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ.  
ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ

- 4. ОКЮЛОВ Омонбой**  
“СНОСЛАР” ЖАРАЁНИДА ХАР БИР МУЛҚДОР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ  
МАНФААТЛАРИ ТАЪМИНЛАНИШИ ШАРТ ..... 30
- 5. ГУЛЯМОВ Саид Саидахарович, БОЗАРОВ Сардор Сохибжонович**  
ВОПРОСЫ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СФЕРЕ  
ЗДРАВООХРАНЕНИЯ ..... 36
- 6. АЧИЛОВА Liliya Ilxomovna**  
VIRTUAL TURIZMNI TASHKIL ETISHNING HUQUQIY JIHATLARI ..... 43
- 7. МУРОТОВ Журабек Сафарович**  
ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИГА (ТОВАР, ХИЗМАТ) БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР . 50
- 8. ВОСТРИКОВА Виктория Сергеевна, ЧЕРКАШИНА Ирина Александровна**  
ДОКТРИНА ФРУСТРАЦИИ НА ПРИМЕРЕ РЕШЕНИЯ ВЕРХОВНОГО СУДА  
СОЕДИНЕННОГО КОРОЛЕВСТВА ..... 55
- 9. АБРОРОВА Камола Саидмухторовна**  
ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В СФЕРЕ  
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЕЖДУНАРОДНОГО КОММЕРЧЕСКОГО АРБИТРАЖА  
В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ..... 63

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

- 10. МАДРАҲИМОВА Гулжаҳон Рузимбой қизи**  
ЙИЛЛИК ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН МЕҲНАТ ТАЪТИЛИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ  
ВА ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР  
(РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖ ДАВЛАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ МИСОЛИДА) ..... 70

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.  
КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

- 11. ИБРОҲИМОВ Жамшид Абдуғофур ўғли**  
ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ..... 79
- 12. ВОХИДОВ Маҳкам Мубинович**  
ПРЕДЛОЖЕНИЯ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ ПРАВОВЫХ ОСНОВ ВОССТАНОВЛЕНИЯ  
НАРУШЕННЫХ ПРАВ ЖЕРТВ ПРЕСТУПЛЕНИЙ И ЗЛОУПОТРЕБЛЕНИЯ ВЛАСТЬЮ В  
РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ..... 86

**13. ИСЛОМОВ Бунёд Очилович**  
ОБСТОЯТЕЛЬСТВА, СМЯГЧАЮЩИЕ НАКАЗАНИЕ И ИСКЛЮЧАЮЩИЕ  
ПРЕСТУПНОСТЬ ДЕЯНИЯ ПО УГОЛОВНОМУ КОДЕКСУ РЕСПУБЛИКИ БОЛГАРИЯ  
(СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ) ..... 92

**14. БОЙДЕДАЕВ Садирдин Абдусатторович**  
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТИ ..... 99

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА,  
ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ**

**15. АБДУЛЛАЕВ Рустам Кахраманович**  
ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК  
ТАЪМИНОТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ ..... 107

**16. ЧУРЯКОВ Эркин Ибрагимович**  
СУД-БАЛЛИСТИКА ЭКСПЕРТИЗАСИДА ЭКСПЕРТ ЭКСПЕРИМЕНТИНИНГ ЎРНИ ..... 114

**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ**

**17. РАХМАНОВ Шухрат Наимович**  
ЕВРОПА ИТТИФОҚИДА МИГРАЦИЯВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ  
ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ ..... 119

**18. USMANOVA Surayo**  
YEVROPA ITTIFOQIDA TURIZM: OMMAVIY HUQUQIY JIHATLARI TANLILI ..... 126

**19. ХАМДАМОВА Фируза**  
ПРАВОВОЙ СТАТУС РОБОТОВ В МЕЖДУНАРОДНОМ ГУМАНИТАРНОМ ПРАВЕ ..... 131

**20. КАРИМОВ Оятилло Халимович**  
ПОНЯТИЙНЫЙ АНАЛИЗ ЭКСТРАДИЦИИ В МЕЖДУНАРОДНОМ И  
НАЦИОНАЛЬНОМ ПРАВЕ: СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ ..... 135

**21. АЪЗАМХУЖАЕВ Умидхон Шавкат угли**  
МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ТРАНСПОРТНО-КОММУНИКАЦИОННЫХ  
СВЯЗЕЙ СТРАН ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И ЕВРОПЫ ..... 141

**22. ОЧИЛОВ Шермат Рашидович**  
ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ  
ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ ..... 149

**23. САЛИЕВА Шахсанем Уснатдиновна**  
ФОРМИРОВАНИЕ ЦИФРОВЫХ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ ..... 154

**24. МИРЗАМУРОДОВ Шохрух Олимович**  
МЕЖДУНАРОДНОЕ ДОГОВОРНО-ПРАВОВОЕ ЗАКРЕПЛЕНИЕ  
РЕГИОНАЛЬНОЙ ИНТЕГРАЦИИ В ЦЕНТРАЛЬНО И ЮЖНОАЗИТСКОМ  
МАКРОРЕГИОНЕ В РАМКАХ ШОС ..... 161

**ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

**25. NAITO Shintaro**  
OVERVIEW OF DRAFTING LEGISLATIVE BILLS IN JAPAN—FOCUSING ON AVOIDING  
INCONSISTENCY IN LAWS ..... 169

**26. ТОЖИЕВ Фурқат Шомуродович**  
ЮРИДИҚ ХИЗМАТЛАР ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ  
НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА ..... 184

**27. ИЛЬЯСОВ Улугбек Бахтиёрович**  
ОСНОВНЫЕ НОВЕЛЛЫ ИНВЕСТИЦИОННОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА  
НОВОГО УЗБЕКИСТАНА ..... 190

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ЧУРЯКОВ Эркин Ибрагимович**

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази лаборатория мудир  
E-mail: info@sudex.uz.

## СУД-БАЛЛИСТИКА ЭКСПЕРТИЗАСИДА ЭКСПЕРТ ЭКСПЕРИМЕНТИНИНГ ЎРНИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** Чуряков Э.И. Суд-баллистика экспертизасида эксперт экспериментининг ўрни // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2022) Б. 114-118.

 2 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-2-16>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада эксперт эксперименти методининг моҳияти, вазифалари ва суд-баллистик экспертизасида тутган ўрни ёритилган. Суд-баллистика экспертизасининг вазифаларининг турлари бўйича экспериментнинг аҳамиятини ўрганиш натижаларига асосланиб, эксперимент ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган ҳамда экспериментал тадқиқот методидан фойдаланиш суд-баллистик экспертизаси объектларини чуқур билишнинг самарали воситаси ва экспертиза хулосаларининг объективлигини оширади деб хулоса қилинган. Шунингдек, экспериментал отишлар пайтида риоя этилиши зарур бўлган умумий шартлар ҳамда экспериментни ўтказиш учун махсус шароитлар ва экспериментал отишларни ташкил қилиш талаблари таклиф қилинган.

**Калит сўзлар:** Суд баллистикаси, эксперимент методи, идентификацион вазифа, диагностик вазифа, ўқотар қурол, жанговор ўқ-дорилар, ўқ-тутгич, гильза-тутгич, экспериментни ўтказиш шартлари ва талаблари.

**ЧУРЯКОВ Эркин Ибрагимович**

Заведующий лабораторией\_Республиканского центра судебной экспертизы имени  
Х.Сулеймановой  
E-mail: info@sudex.uz

## РОЛЬ ЭКСПЕРТНОГО ЭКСПЕРИМЕНТА В СУДЕБНО-БАЛЛИСТИЧЕСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЕ

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются сущность, функции и роль метода экспертного эксперимента в судебной баллистике. Основываясь на результатах изучения значимости эксперимента по видам задач судебно-баллистических экспертиз, были изучены особенности проведения эксперимента и сделан вывод о том, что использование метода экспериментального исследования является эффективным средством углубленного познания объектов судебной баллистики и повышает объективность экспертного заключения. А также предложены общие условия, которые необходимо соблюдать во время экспериментальной стрельбы, особые условия проведения эксперимента и требования к организации самого эксперимента.

**Ключевые слова:** судебная баллистика, метод эксперимента, идентификационные задачи, диагностические задачи, огнестрельное оружие, боеприпасы, пуле-уловитель, гильза-уловитель, условие и требования проведения эксперимента.

**CHURYAKOV Erkin**

Head of the laboratory of the Republican Center  
of Forensic Examinations named after H.Suleymanova  
E-mail: info@sudex.uz

## THE ROLE OF THE EXPERT EXPERIMENT IN THE FORENSIC BALLISTICS EXAMINATION

### ANNOTATION

The article discusses the essence, functions and role of the expert experiment method in forensic ballistics. Based on the results of studying the significance of the experiment by types of tasks of forensic ballistics examinations, the features of the experiment were studied and it was concluded that the use of the experimental research method is an effective means of in-depth knowledge of the objects of forensic ballistics and increases the objectivity of the expert opinion. The general conditions that must be observed during experimental shooting, special conditions for conducting the experiment and requirements for the organization of the experiment are also proposed.

**Keywords:** forensic ballistics, experimental method, identification tasks, diagnostic tasks, firearms, ammunition, bullet-catcher, sleeve-catcher, conditions and requirements of the experiment.

Судбаллистикаси — криминалистик техниканинг ўқотар қуроллар, уларнинг патронлари ва уларнинг қисм ва механизмлари ҳамда таркибий қисмлари, ўқотар қуроллар ва патронларнинг ишлатиш излари бўйича маълумотларни ақс этиши ва олиш қонуниятларини ўрганадиган, жиноятларни очиш ва тергов қилиш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида юқорида санаб ўтилган объектларни аниқлаш, қайд этиш, олиш, сақлаш ва тадқиқ қилиш учун техник усуллар, восита ва методлар ишлаб чиқадиган бир соҳасидир [1, Б.26]. Суд-баллистик экспертизалари доирасида ўқотар қурол, ўқ-дорилар ва ўқ отиш изларини ўрганиш билан боғлиқ кенг қўламли идентификацион ва диагностик вазифалар ҳал қилинди.

“Замонавий илмий фикр-мулоҳалар ва қарашларга кўра, экспертиза хулосаси одил судлов ёки процесс иштирокчиларининг тегишли маълумотларни баҳолаш ва уларнинг ички ишончлини шакллантирилишига таъсир кўрсатади” [2, Б.133]. Ўзининг фалсафий-мантиқий (гносеологик) моҳиятига кўра ҳар қандай суд экспертиза тадқиқотлари – бу турли фанларнинг тегишли методларини қўллаш орқали амалга ошириладиган объектив ҳақиқатни билиш жараёнининг ўзига хос тури ҳисобланади. Бу жараёнда қўлланиладиган методларнинг табиати, таркиби ва улар орасидаги ўзаро алоқалар ҳамда боғлиқликлар экспертиза тадқиқотларининг ўзига хос хусусиятлари, тадқиқот объектларининг хосса ва хусусиятлари, ҳал этилиши керак бўлган аниқ экспертиза вазифаларининг шароитлари, шунингдек тадқиқотларнинг асосий босқичларининг мантиқий кетма-кетлиги билан белгиланади.

Тадқиқот методларининг ҳар бири қўлланилишида ўзига хос афзалликлар ва чекловларига эга ҳамда уларнинг ҳар бири билиш (тадқиқот) жараёнининг қандайдир муҳим томонларини ифодалайди. Масалан, эксперимент методи орқали экспертиза тадқиқотлари ўтказишда турли объект ва ҳодисаларнинг маълум шароитлардаги хусусиятлари қайта тикланиб аниқланади. “Экспериментал метод асосида из ҳосил бўлиш механизми, текшириладиган объектларнинг ўзаро таъсирлашиш шарт-шароитлари ва механизмлари ҳам қайта тикланиб аниқланади” [1, Б.33]. Бинобарин, бу жараёнда ўқотар қуролни тадқиқот қилишнинг методлари – ўқотар қуролларни тайёрлаш жараёнидаги ҳамда ўқ отишнинг



ички ва ташқи баллистик қонуниятларига асосланади; ўқотар қуроллар ва жанговор ўқ-дориларни криминалистик тадқиқотлари усуллари ҳамда объектларни ўрганиш учун техник воситалардан фойдаланишни назарда тутилади.

Маълумки, амалий суд экспертиза фаолиятида, шу жумладан суд-баллистик экспертизаларини ўтказишда экспериментал тадқиқот методи эксперт эксперименти шаклида кенг қўлланилади ҳамда унинг моҳияти текшириладиган ҳодиса вақтида мавжуд бўлган шароитга аниқ ўхшаш ёки имкон қадар яқин бўлган шароитларда суд экспертини қизиқтирган жараёнларини ўрганишан иборатдир. “Эксперимент объектларни тадқиқ қилиш учун умум-илмий метод сифатида аниқ бир ҳолатни аниқлаш ва ўрганиладиган ҳодисалар ўртасидаги сабабий боғлиқлик тўғрисида маълумот олиш, объектларнинг ўзаро таъсирлашиш ва из ҳосил бўлиш механизмларини аниқлаш, шунингдек, таққослаш тадқиқотлар учун экспериментал намуналарни олиш учун қўлланилади” [3].

Юридик адабиётларда эксперт экспериментининг суд экспертиза тадқиқотлари ўтказилишидаги ўрни – мажбурий босқич ёки муқобил (ихтиёрий) босқич эканлиги – тўғрисида бирон-бир аниқ фикрлар мавжуд эмас. Бир қатор муаллифлар эксперт экспериментини экспертиза ўтказишнинг мустақил босқичи деб ҳисоблайдилар ҳамда бу фикрларни кўриладиган иш бўйича мустақил далилий (исботлов) аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлаш (масалан, объектларни уларнинг қолдирган изларига кўра идентификация қилишда) учун экспериментни амалга ошириш зарурлиги билан изоҳлайдилар.

Айрим турдаги экспертиза тадқиқотлари жараёнида эксперт экспериментининг шубҳасиз аҳамиятини инкор қилмасдан, экспериментни экспертиза тадқиқотлари жараёнининг муқобил (ихтиёрий) босқичи сифатида таъкидлайдиган баъзи муаллифлар эса бошқа бир фикрни билдирадилар. Уларнинг таъкидлашларича, эксперт эксперименти ҳар доим ҳам ўтказилмайди ва шунга асосан уни алоҳида босқич сифатида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ эмас.

Бизнинг фикримизча эса, экспертиза тадқиқотларини кетма-кетлиги бўйича умумий қоидаларни экспертга ҳал қилиш учун қўйилган аниқ вазифаларни ҳисобга олган қўллаш зарур деб ҳисоблаган Х.Салимовнинг фикрларига қўшилиш керак, яъни “суд экспертиза тадқиқотларининг босқичларида экспериментнинг ўрнини аниқлашда, ўтказиладиган экспериментнинг мақсадлари ва вазифалари нимадан иборат эканлиги ва у қандай метод (ёрдамчи ёки мустақил) сифатида майдонга чиқаётганига асосланиш керак” [4].

Суд баллистик экспертизасида эксперт эксперименти объектни ўқотар қуроллар туркумига мансублигини ва отиш яроқлилигини аниқлаш; отилган ўқ ва гильзадаги изларга кўра ўқотар қуролларни идентификация қилиш; патронларнинг тадқиқотлари, уларнинг ўз мўлжалланган мақсадига кўра ишлатиш учун созлиги ва яроқлилиги аниқлаш бўйича вазифаларни ҳал қилишда, шунингдек идентификацион таққослаш тадқиқотлари учун ўқ ва гилзаларнинг экспериментал намуналарини олишда қўлланилади.

Қуролларнинг ҳолатини аниқлаш бўйича тадқиқотларда текшириладиган ўқотар қуролнинг алоҳида таркибий қисмларининг ҳолати, уларнинг ҳаракат қила олиши ва ўзаро ҳаракат қилишига боғлиқ равишда, эксперт ушбу қуролнинг амалий созлиги ёки носозлиги, яъни отиш учун яроқлилиги ёки яроқли эмаслиги ҳақида хулоса чиқаради. “Ўқотар қуролни қисмларга ажратиб текширилганидан кейин у қайта йиғилади. Қисмлари қайта йиғилган қурол экспериментал текшириб кўрилади” [1, Б.123]. Бунда экспериментал отиш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда фақат капсюл билан жиҳозланган гильзалар, иккинчи босқичда эса – жанговор патронлар ишлатилади. Қуролнинг отишга яроқлилигини аниқлаш учун тақдим этилган қуроллардан турли хил ўқ-дорилар билан ўқ отишнинг мумкин бўлган барча усуллари амалга оширилади. Экспериментал ўқ отишларнинг шу босқичида тақдим этилган ўқотар қуролдан, экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган шароитларда тасодифий (қўйиб юборувчи илмоқни босмасдан) ўқ отишлар имконияти ҳам аниқланади. Экспериментал отишлар бўйича холисона маълумотлар олиш учун ҳар бир ўқ отишга уринишлар ва ўқ отишлар сони, уларни бажаришнинг (масалан, қуролнинг маълум бир ҳолати) ва ҳар бирининг натижаларининг ўзига хос хусусиятлари қайд этилган ҳолда бир неча бор такрорланиб амалга оширилади. Экспериментал отиб кўришлар махсус ажратилган хона — тирда амалга оширилади. Эксперимент жараёнида қуролни текшириш учун, мос калибрдаги камида беш дона патрон отиб

кўрилиши керак. “Оғзидан ўқланувчи қуроллардан бир марта ўқ отиб кўриш етарли бўлади. Бунинг учун орқасидан ўқланувчи қурол учун мўлжалланган, аммо текширилаётган оғзидан ўқланувчи қурол билан калибри мос келадиган стандарт патрон демонтаж қилинади, яъни қисмларга ажратилади. Ушбу қисмларга ажратилган патроннинг порох заряди ва ўқи билан текширилаётган оғзидан ўқланувчи қурол ўқланади ва эксперимент ўтказилади” [1, Б.123]. Бу босқичда ўрганилаётган қуролнинг отиш учун яроқлилиги тўғрисида якуний хулоса шаклланади.

Объектни қўл ўқотар қуролга мансублиги, унинг техник жиҳатдан созлиги ва ўқ отишга яроқлилиги тўғрисидаги вазифаларни бажаришда, тақдим этилган объектнинг тузилиш белгилари ва хусусиятларини баҳолаш ҳамда ўқотар қуролга хос қисм ва механизмлари аниқланганида, унинг ўқланган ёки ўқланмаган эканлигини аниқлаш керак. Бундай ҳолда, биринчи экспериментал отиш (отишлар) объект суд баллистик экспертизасига тақдим қилинган ҳолатдаги ўқлаш элементлари билан амалга оширилади. Агар тақдим қилинган снарядлар қўлбола усулда ясалган бўлса уларнинг энергетик параметрлари (масалан, кинетик энергияси) отилган снаряднинг тезлигини ўлчашга асосланган формулалар орқали ҳисоблаб аниқланади.

Тадқиқот объектларнинг ўқотар қуролларнинг таркибий қисмларига тегишлилигини ва уларнинг мўлжалланган мақсади учун фойдаланишга яроқлилигини аниқлашда, бу таркибий қисм (тадқиқот объекти) эксперт ихтиёрида бўлган коллекцияда мажуд ўқотар қуролнинг айнан шу қисм (деталь) жойлашадиган жойига ўрнатилади ҳамда ўқ отиб кўришга ҳаракат қилинади. Бунда хавфсизлик қоидаларига амал қилган ҳолда, экспериментал отишлар махсус ўқ-тутгичга, отилган снаряднинг учиш тезлигини ўлчовчи қурилма ва масофадан ўқ отиш мосламасидан фойдаланиб амалга оширилади. Экспериментал отишларнинг холис ва ишончли натижаларини олиш учун камида 3 марта ўқ отишлар бажарилади ҳамда уларнинг натижалари асосида снаряднинг дастлабки учиш тезлигининг ўртача қиймати ҳисобланади.

“Ўқотар қуролларни отилган ўқлардаги изларга кўра идентификация қилишда” [5, С.9] эксперт экспериментининг асосий мақсади таққослаш тадқиқотлари учун ўқларнинг экспериментал намуналарини олишдир. Эксперимент давомида алоҳида изларнинг ҳосил бўлиш механизми ҳам аниқланади, ўқлардаги изларнинг ўзгарувчанлиги ва барқарорлиги даражаси аниқланади.

Эксперимент уч босқичдан иборат: экспериментга тайёргарлик, уни бевосита амалга ошириш ва тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш.

Экспериментал отишларнинг керакли миқдори (сони) суд эксперти томонидан тадқиқ қилинаётган ўқдаги изларнинг ифодаланганлик даражаси ва экспериментни ўтказишнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб аниқланади, бироқ, бештадан кам бўлмаслигини керак. Олинган экспериментал ўқларда аниқлаган қурол стволи каналининг излари келгуси таққослаш тадқиқотлар учун яроқлилиги нуқтаи назаридан баҳоланади. Экспериментнинг бутун жараёни экспертиза хулосасининг тадқиқот қисмида батафсил баён қилинади.

Отилган гильзалардаги изларга кўра ўқотар қуролларни идентификация қилишда эксперт экспериментининг асосий мақсади гильзаларнинг таққослаш тадқиқотлари учун экспериментал намуналарини олишдир. Эксперимент давомида алоҳида изларнинг ҳосил бўлиш механизми ҳам аниқланади, гильзалардаги изларнинг ўзгарувчанлиги ва барқарорлиги даражаси аниқланади. Экспериментал гильза намуналарини олиш учун гильзаларнинг деформацияланишини олдини олиш мақсадида мато (газлама) экрандан иборат гильза-тутгичдан фойдаланилади. Экспериментал отишларнинг керакли миқдори (сони) суд эксперти томонидан экспериментал гильзалардаги изларнинг ифодаланганлик даражаси ва экспериментни ўтказишнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб аниқланади, бироқ, бештадан кам бўлмаслигини керак. Отишлардан сўнг олинган экспериментал гильзалардаги излар ўқотар қуролнинг из ҳосил қилувчи қисмларидан қолган изларнинг ифодаланганлик даражасини аниқлаш мақсадида ўзаро таққосланади.

Қўл ўқотар қуролларнинг патронларининг тадқиқотлари, уларнинг мўлжалланган мақсадида ишлатиш учун яроқлилиги ва техник созлигини аниқлаш бўйича тадқиқотларда, патронларнинг техник созлиги ва отиш учун яроқлилигини аниқлашнинг асосий мезони бўлиб эксперт экспериментини ўтказиш ҳисобланади. Бунда, нафақат ўқ отишлар имконияти, балки снаряднинг (ўқ) энергетик хусусиятлари (кинетик энергияси, шикст етказувчи тасири ва ҳ.к.)



ҳам муҳимдир. Экспериментал отишлар снаряд учиш тезлигини ўлчаш мосламаси ёрдамида, тадқиқот учун тақдим қилинган бир намунадаги патронлардан мустақил (тасодифий) танлаб олиш асосида бажарилади. Патронларни отиш фақат текширилган патронлардан отиш мўлжалланган қуролдан амалга оширилади. Экспериментал отишдан сўнг, снаряднинг учиш тезлигини ўлчаш асосида унинг энергетик кўрсаткичлари (кинетик энергияси, шикаст етказувчи таъсири) махсус адабиётларда келтирилган маълумотлар билан солиштирилиб аниқланади. Патронларнинг ўз мўлжалланган мақсадларда қўллаш учун яроқлилиги тўғрисида хулоса уларни экспериментал отиш ва энергетик кўрсаткичларини ҳисоблаш асосида шакллантирилади.

Юқорида айтилганларни умумлаштириб, экспериментал тадқиқот методидан фойдаланиш суд-баллистик экспертизаси объектларини чуқур билишнинг самарали воситаси ва экспертиза хулосаларининг объективлигини оширади деб хулоса қилиш мумкин. Шу билан бирга, бир-бирига боғлиқ бўлган бир нечта жиҳатларни таъкидлаш керак.

Эксперт экспериментини ўтказиш шартлари аниқ эксперт тадқиқотининг вазифалари ва мазмунига боғлиқлиги ҳамда экспериментнинг натижаларининг ҳолислиги, қонуниятлилиги ва ишончилигини таъминлашга мўлжалланганлиги сабабли, экспериментал отишлар пайтида риоя этилиши зарур бўлган умумий шартларга қуйидагилар кирилади: экспериментал ҳаракатларнинг тадқиқ қилинаётган объектнинг қидирилаётган аксларини олишда тасодифий хатоларни бартараф этишга, из ҳосил қилувчи объект белгиларининг барқарорлиги ва ўзгаришлари қонуниятларини аниқлашга ва таққослаш тадқиқотларининг тўлиқлигини таъминлашга имкон берадиган такрорланувчанлиги (кўп марта ўтказилиши); шунингдек, экспериментал отишлар шароитларини текширилаётган ҳодиса вақтида бўлган ҳолатларга максимал яқинлаштириш.

Суд-баллистик экспертизаси тадқиқотлари жараёнида эксперт экспериментини ўтказиш учун махсус шароитларга ва экспериментал отишларни ташкил қилиш талабларига риоя қилиш ҳам муҳимдир: эксперимент фақат тегишли жиҳозланган хонада белгиланган хавфсизлик қоидаларига риоя қилинган ҳолда ва махсус техник воситалардан (турли ўқ-тутичлар, қуролларни маҳкамлаш учун мосламалар ҳ.к.) фойдаланган ҳолда ўтказилиши керак.

Экспериментда икки суд эксперти қатнашиши лозим. Улардан бири бевосита отишни бажаради, иккинчиси эса ёрдамчи ишларни амалга оширади. Экспериментал отиб кўриш учун кўп сонли одамларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Экспериментни бир суд эксперти томонидан амалга оширилиши ҳам мумкин эмас, чунки бирорта бахтсиз тасодиф бўлиб қолса, унга ёрдам берувчи ҳеч кимнинг бўлмай қолиши мумкин. Агар қурол эксперимент ўтказувчи эксперт ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган даражада техник носоз бўлса, экспериментни қуролни қўлда ушлаб туриб бажариш тақиқланади. Бундай ҳолларда қуролни махсус станокка маҳкамлаб, отишни хавфсиз масофадан туриб махсус қурилма орқали амалга оширилади.

Бундан ташқари, эксперт экспериментининг бутун жараёни, уни ўтказишга тайёргарлик ва ўтказиш шартлари ҳамда уларнинг натижалари батафсил таърифланиши, экспертиза хулосасининг тадқиқот қисмида батафсил баён этилиши керак, бу экспертиза хулосаларининг асослилиги ва ишончилигини баҳолашга имкон беради.

### **Иқтибослар/Сноски/References**

1. Хасанов Ш.Х., Тураббоев Х.А., Хусанов А.Д. Баллистик экспертиза: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 446 б.
2. Хасанов Ш.Х. Суд-экспертлик фаолиятининг психологик жиҳатлари // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. №4 (2020), – Б.130-134.
3. Эксперимент в следственной, судебной и экспертной практике / Р.С. Белкин. – М., 1964. – 223 с.
4. Научные основы и методика эксперимента при производстве трасологических экспертиз /Х. Салимов; под ред. М.П. Шаламова. – Душанбе 1967. – 217 с.
5. Методика отождествления огнестрельного оружия по следам на пулях / ГЭКЦ МВД Респ. Беларусь. – Минск, 2008. – 9 с.